

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл овод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



### КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ҚАДАМ

Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тармоғини кенгайтириш, улар фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки, айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси мамлакат иқтисодиётининг умумий тараққиёти ва барқарорлигини таъминловчи асосий субъектлардир. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг "Статистика, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-тамоилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва

"Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари айнан хусусий тадбиркорларнинг ўз бизнесларини ҳеч қандай сунъий тўсиқларсиз, жадвал йўлга қўйиб, тез оёққа туриб олишларига кўмаклашишига қаратилган. Айниқса, республика Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти санаят соҳасининг ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори вилоятда санаят ишлаб чиқаришини комплекс ривожлантириш йўлида муҳим дастурий-амал вазифасини ўташи шубҳасиздир.

Вилоят ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ижтимоий масалалар бўйича котибияти мудир Салоҳиддин Самадов давлатимиз раҳбарининг ушбу қарорлари мазмун-моҳиятини кенг аҳоли оммаси ва айниқса, тадбиркорлик субъектлари раҳбарларига ташуунтириш ҳамда бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан амалга оширилаётган чоралар ҳақида "Тошкент ҳақиқати" муҳбирига қуйидаги

ларни сўзлаб берди. — Маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамолигида энг аввало ишбилармонлик фаолиятини кенгайтириш ва ҳар жиҳатдан ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давр талаблари даражасига кўтариш, бозор иқтисодиё-

ти тамойилларига хос ва мос имкониятлар яратиб бериш масалаларига устувор вазифа сифатида жиддий эътибор берилмоқда. Юртобшамизнинг 2012 йил июль ойида ишбилармонларга ҳар

томонлама қулай шароит, имконият ва имтиёзлар яратиш юзасидан қабул қилган қатор қарорлари ҳам ушбу фикрнинг амалдаги исботидир. (Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: (чапдан) Бўка туманидаги "Зарафшон Дил Темир" масулияти чекланган жамияти ишчиси Муртазо Маҳкамов, қорхона раҳбари Мирҳаёт Мирхолиқов ва Зухриддин Исроилов. Ҳозир кунига 2 минг дона қолипни нон ишлаб чиқаришмоқда. Даврон АҲМАД олган сурат.

### ДЕПУТАТГА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутаты Музаффар Саидқаримов Охангарон туманидаги "Хонобод", "Янгиобод", "Ватан", "Илоқ", "Навбахор" маҳаллалари аҳолиси билан учрашди.

Депутат Юртобшамизнинг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти санаят соҳасининг ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори билан йиғилганларни таништирди. Охангарон туманида қурилиши режалаштирилган "ТИАТ-КЕРАМИК" хорижий қорхонаси ҳақида, туманга чет эл инвестицияларини жалб қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида фикр билдирди.

Йиғилишда "Хонобод" ва "Янгиобод" маҳаллаларидаги симёғочлар таъмирталабчилиги, 53-мактабнинг кузги-қишги мавсумга тайёргарлиги, айрим маҳалла ва кўп қаватли уйларда сув танқислиги муаммоси ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Руҳсона ТУРСУНБЕКОВА.

Бугунги жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёнида қонун ҳужжатларини қабул қилишга ваколатли идоралар, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига республика раҳбарияти алоҳида эътибор қаратмоқда.

### ЛОЙИҲАЛАР ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАДА

Вилоят адлия бошқармасида ўтказилган илмий-амалий конференция ҳам айнан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолиятига бағишланди.

Конференцияда таъкидландики, ҳудудий адлия идоралари томонидан ҳокимликларнинг қарорлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тамойили йўлга қўйилган.

— Маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари қарорларининг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, улар расмий эълон қилинган кундан кўра киради, — деди Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи Шавкат Саидов. — Шунга қўра, меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур идораларнинг расмий нашрларида эълон қилиниши керак. Бу борада адлия тизими мутахассислари кенг қўламада ташуунтириш ишларини ташкил этишмоқда. Хуршида МҮМИН кизи.

### МАЗМУН-МОҲИЯТИ ОММАГА ЕТКАЗИЛМОҚДА

Республика Маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят шаҳар ва туманларида "Қадр-қимматим, таянчим, ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шiori остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказмоқда.

Шу билан бирга бўлим ходимлари республика Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти санаят соҳасининг ривожлантириш дастури тўғрисида" ҳамда "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-

коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларининг мазмун-моҳиятини кенг қўламада тарғиб қилиб, халқ оммаси ва тадбиркорлик субъектларига атрофлича ташуунтирмоқдалар. Бундай тадбирларда таниқли адиб ва шоирлар, санъаткор ва халқ ашула ва рақс ансамбллари иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбари фармон ва қарорлари тарғиботи бағишланган шундай тадбирлар Анрен шаҳри ёшлар маркази, Охангарон туман ҳокимлиги, Олмалик ҳамда Чирчиқ харбийлар шаҳарчаларида, Юқори Чирчиқ туман ҳокимлиги ҳамда Паркент тумани "Кўшчино" истироҳат боғида, Чиноз тумани болалар мусика ва санъат мактабида бўлиб ўтди.

Шунингдек, тадбир доирасида, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолари ижод эркинлиги, ижодкорнинг фуқаролик позицияси, ижтимоий бурчи хусусида атрофлича фикр билдиришда ва Ватан, муҳаббат, садоқат мавзулари бағишланган шеърларидан ўқиб беришди. Бекзод ҲИДОЯТОВ.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси 2013 йил 22 август кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2013 йил 21 август соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсесида рўйхатга олинди.

### МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Ўзбекистон ХДП Охангарон туман кенгаши ташаббуси билан "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида тумандаги Ботир Зокиров номли болалар мусика ва санъат мактабида Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда тинчликнинг барқарорлиги, мустақиллик даврида эришилган ютуқлар, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик, миллий қадриятларни эъзозлаган ҳолда янгиликларга интилиш ва ҳаётга татбиқ этиш ҳақида сўз борди. Тадбирнинг бадиий қисмида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандалари ва туман маданият бўлими бадиий ҳаваскорлик жамоалари концерт дастури намойиш этилди. Хуррият ТҮРАЕВА.

### ДИЛЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси қатор ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига атаб "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шiori остида Қибрайдаги "Дўрмон" боғида бадиий кеча ўтказди.

Депутатлар, шоир ва ёзувчилар, ёшлар, маҳалла фаоллари иштирок этган тадбирда, истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқлар замирида узоқни кўлаб юритилган ички ва ташқи сиёсат, халқимизнинг машаққатли меҳнати, фуқароларнинг ўзаро ҳамжихатлиги муҳим ўрин тутганлиги таъкидланди.

Шунингдек, тадбир доирасида, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолари ижод эркинлиги, ижодкорнинг фуқаролик позицияси, ижтимоий бурчи хусусида атрофлича фикр билдиришда ва Ватан, муҳаббат, садоқат мавзулари бағишланган шеърларидан ўқиб беришди. Бекзод ҲИДОЯТОВ.

Тошкент вилояти ҳокимининг қарори

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING XXVIII СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXVIII сессияси 2013 йил 25 август кунини соат 10.00 да вилоят ҳокимлиги мажлислар залида чақирилсин.

Вилоят ҳокими А. УСМОНОВ.  
Тошкент шаҳри, 2013 йил 19 август.

Жамоатчилик фикри

### ЎЗБЕКИСТОННИНГ 22 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Халқимизнинг энг улғу, энг азиз байрами арафасида "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази мамлакатимиз фуқаролари истиқлол йилларида Ўзбекистон эришган ютуқларни қандай баҳолашини аниқлаш мақсадида ижтимоий сўров ўтказди. Сўровда мамлакатимизнинг барча ҳудудига яшайдиган фуқаролар, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон фуқаролари мамлакатимиз Мустақиллигининг 22 йиллигини кўтаринки кайфият, ўз Ватанидан ифтихор туйғуси билан қарши олмақда. Сўровда қатнашганларнинг аксарияти (90 фоиздан ортиги) "истиқлол йилларида жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида улкан натижаларга эришилди", "мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган", "Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди" ва "Ўзбекистон жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади" деб ҳисоблайди.

Улар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган истиқлол инсон манфаатларини таъминлаш, оддий одамлар ҳақида гап-хўрлик қилишга қаратилган қатъий ишонади. Сўров иштирокчиларининг фикрича, барча соҳада қўлга киритилган ютуқларни муваффақиятлар, аҳоли турмуш даражаси ва сифати муттасил охири борайтирилган асосини айнан ушбу ўзгаришлар ташкил қилди ва бу келгуси истиқлоллар самардорлигини кафолатлайди.

Сўралганларнинг кўпчилиги (қарийб 90 фоизи) Ўзбекистон фуқароси эканидан фахрланади. Фуқароларимиз, жумладан, ёшлар Ўзбекистон мустақиллигини бебаҳо неъмат деб билади ва "ўз Ватанининг мустақиллигини ҳеч қачон йўқотишни истамаслиги ва истиқлолни ҳеч нарсага алмашмаслигини қайд этиб, унинг янада раванг топишига, ўз оиласининг истиқболлигига ишонади. Сўровда қатнашганларнинг аксарият кўпчилиги (98 фоизи) мамлакатимиз — миллати ва ижтимоий мактедан қатъий назар, барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароити таъминланаётган давлат эканидан фархланади. (Давоми 3-бетда).

### ҲАМ САЁҲАТ, ҲАМ ТАРҒИБОТ



Вилоят ҳокимлиги ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида Урта Чирчиқ, Зангиота, Қибрай туманларида ижтимоий ҳумоюга муҳтож оилаларнинг 55 фарзанди учун пойтахтимиздаги диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди. Дастлаб улар Мустақиллик майдони, Эгулик арки, Мотамсаро она хайкали атрофида бўлиши. Шаҳидлар хотираси хиёбони ва Зангиота мажмуасига саёҳат ҳам мароқли кенди. Туман ҳокимлиги болажонларга байрам дастурхони ёзиб, маданий

Китоб жавонигизга

### «ЎЗИНГИЗНИ АВАЙЛАНГ»

Вилоятимиз ижодкорлари учун илҳом, ижод, интилиш, изланишга йўл очиб бераётган "Энг улғу, энг азиз" танлови, у кашф этаётган янги-янги номлар ёки ижод қозонида қайнаб, эл назарига тушиб улгурган шоир, ёзувчилар,

Кўлимизда шеърят шайдоси, том маънодаги кўнгли кишиги Гулбахор Ортиқжўяеванинг "бир йилда туғилган" — 2013 йилда нашрдан чиққан иккита шеърий тўплами: "Йўл" ва "Ўзингизни авайланг".

Аслида муаллиф билан нотаниш эмасмиз. Турли тадбирларда, ижодий учрашувларда кўришиб, сўрашиб юрганмиз. Аммо, шу оддийгина жуссада, миттигина

журналистлар учун маҳорат мактабини ўтамоқда. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати эътиборига тушган журналист, ижодкор шоира Гулбахор Ортиқжўяева ўзининг шеърий тўпламлари билан муҳлислар меҳрини қозонди.

Тадқиримни битган Эгам ҳам ҳайрон, Хали ҳеч ким ўқимаган Китобман. (Қалб) ёки Дараклар шовуллар бу Боққа кирсанг, Шу боққа туташган умр йўллари. Булоқ ҳам кўз очмас тошлар бағрида, Мўъжиза яратди унинг қўллари. (Яши одам) (Давоми 4-бетда).

Қарор ва ижро

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 июлдаги "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салохиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори бундан буён вилоятимиз иқтисодий ҳаётини янада жадал ривожлантириш, шаҳар ва туман марказлари, шунингдек, кишлоқ аҳоли пунктларини кенг қўламада ободонлаштириш, "автомобиль йўллари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини янгидан барпо этиш, тубдан қайта қуриш, реконструкциялаш ишлари кўламини бугунги талаблар даражасида кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу муҳим қарорлар мазмун-моҳиятини жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига етказиш ва кенг тушунириш мақсадида аниқ режа асосида тадбирлар ўтказилмоқда. Ушбу қонуний ҳужжатларда давлат статистика, молия, солиқ ҳисоботлари ҳамда бошқа ҳисобот турларини бекор қилиш, бир-бирини такрорловчи шакллари бирлаштириш йўли билан бундай ҳисоботларни камайтириш, уларнинг тақдим этиш даврийлигини белгиланган муддатларда қисқартириш кўзда тутилган. Шу йилнинг 1 августидан бошлаб руҳсат беришга оид 80 та (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 26 фоиз) тартиб-тамоийлар, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 20 фоизи) (Давоми. Боши 1-бетда).

бекор қилиш ҳамда бирлаштириш ҳисобига камайтирилди. Бундан ташқари, республика Президенти қарорларининг тегишли иловаларига мувофиқ, рўйхат бўйича фаолият турлари билан шугулланиш учун лицензияларни амал қилиш муддатини чекланмаган ҳолда бериш, бунда мазкур фаолият турлари билан шугулланиш учун аввал берилган лицензияларнинг амал қилиш

муҳим устувор вазифалари белги қўлаб берилди. Шу йилнинг 1 августидан бошлаб фармоннинг 1-илоvasига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар қўлланилмоқда.

Қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ҳамда тадбиркорликка янада кенг эркинликлар тини қўлаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ушбу қонуний ҳужжат ишбилармонларнинг экспорт салохиятини янада кенгайтириш, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва экспорт қилишлари учун зарур ҳуқуқий, молиявий, шунингдек, тақшилий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш мақсадлари қаратилган. Қарорга му-

тилган тақдирлар ишлаб чиқади. Шартномалар тайёрлаш ва тузиш, экспорт операцияларини бажариш, хорижий мамлакатлар конунчилиги талаб этидиган зарур лицензиялар, сертификатлар, бошқа руҳсатнома ва йиғимлар олиш ҳамда тўлашда юридик, молиявий-тақшилий хизматлар кўрсатади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чет эллардаги тендер савдоларидаги иштирокини кенгайтиришга, ярмаркалар ташкил этиш орқали мамлакатимизнинг товар ишлаб чиқарувчилари билан хорижий хариддорларнинг мулоқотларини йўлга қўйишга кўмаклашади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорлари бугун мамлакатимизда бўлганидек, бизнинг вилоятимизда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган яна бир муҳим қадам бўлди. **Сухбатни Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ ёзиб олди.**

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ҚАДАМ

муддати чекланмаган, деб ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Яна бир тартиб шундан иборатки, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб, барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботи тақдим этиш бекор қилинди. Микрофирмалар йиллик статистик ҳисобот топширадиغان бўлиши. Бунда статистика органлари йилнинг ҳар чорагида тегишли фаолият йўналишлари ва соҳалари бўйича таллаб ўрганиш тадбирларини ўтказишлари мумкин.

Қўшимча қилиш мумкин. 2012 йил 18 июлдаги ПҚ-4455-сонли фармонига асосан бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштиришнинг

берилган қаратилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2013-2014 йилларда ижро этиладиган чора-тадбирлар мажмуасидан иборат махсус дастур ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Қўшимча қилиш мумкин. 2012 йил 18 июлдаги ПҚ-4455-сонли фармонига асосан бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштиришнинг

берилган қаратилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2013-2014 йилларда ижро этиладиган чора-тадбирлар мажмуасидан иборат махсус дастур ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Қўшимча қилиш мумкин. 2012 йил 18 июлдаги ПҚ-4455-сонли фармонига асосан бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштиришнинг

Обод турмуш йили



УЛАР УЙНИНГ ПАРИСИ

Бекобод шаҳридаги "Металлур" маҳалласи ҳар жиҳатдан намунали. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганлар ҳам, қўли гул аёллару, иқтидорли ёшлар бу ерда талайгина. Ҳаётини турмушдан манман келин-куёвларни ҳар хондонда учратасиз. Кўпни кўрган нурунийлар "маҳалламизга дуо теккан" дейишади.

Дарҳақиқат, маҳаллада қўли ишда, қалби дуода бўлганлар бисёр. Уларнинг соф ниятлари билан бу файзли макан янада гуллаб-яшнапти десак, хато бўлмайди.

Бир-бирига меҳр-оқибатли маҳалладошларимни кўриб, дилим қувнади, — дейди маҳалла раиси Содик Ниёзметов. — Бирор йилни ёки тадбир ўтказас, катталар изатда, кичиклар хизматда бўлади. Фаолларим оилалардаги муҳитга беради эмаслар. Шу боис кўпчиликда ҳақиқат гапирмас ҳам бўлади.

Ибн Сино кўчасида истикомат қилувчи Мирзо ота ва Дилбар ая хондондоим келиб-кетувчилар билан гажам бўлади. Пири бадаллат, кўшгани билан қўша қариган бу нурунийлар бугун катта кичкинчи маслаҳатгўйи, насиҳатгўйи. Улар яхши ниятлар билан

бир ёстиққа бош қўйишганига салкам олти йил бўляпти. Саккиз фарзандни дунёга келтириб, вояга етказишди. 7 қиз ва 1 ўғил ҳам оила, ҳам жамият, ҳам эл-улус хизматига камар-басталар.

Бобомхон, Ҳожалой, Уғилой уй бекаси. Гулбахор, Нафиса, Хурматой. Умидаҳон дўкон, ошхона, сартарошхона ишлари билан банд. Оиладаги ягона ўғил Алишер Металлургия комбинатининг тажрибали чилангарларидан. Еқуб, Абдужалил, Ботир, Карим, Икромжон Мирзо ота ва Дилбар аянинг сеvimли қувларини. Улар отагина, онагина ҳам деб, ҳурматларини жойига қўйишади. Дилноза бу файзли хондоннинг келини эмас, қизи дейиш мумкин.

Норматовлар хондонидан тўй еки йилни уюштирилса, беғоналарнинг кераги йўқ. 8 фарзанд, 26 набира, 28

эвара йиғилса, бутун бошли тўйхона тўлиб кетади. Дарвоқе, яқинда Мирзо ота ва Дилбар аянинг эваралари яна икки нафарга кўпайди.

Фарзандлар бўйнимиздаги қарз деб, ўртага пул ташлаб, ота-оналарини Ҳаж ва Умра сафарларига юборишди.

— Ҳар кун десам, қўли қилади, ҳар ҳафта ўйимизда чиройли йиғилар бўлади, — дейди Мирзо ота. — Бир набиранини узатсак, кўп ўтмай яна бирининг бошини иккита қиламиз. Дам олиш кунлари яна қайси бир чеварамнинг турилган кунини нишонлаймиз. Яқинда, саксонга тўлганимда, фарзандларим кўярда-қўймай, катта юбилей қилиб беришди. Шу ёшга етганда юбилейнинг нима кераги бор десам, улар: "Ота, сиз билан онамиз бойлигимизсиз, дуо қилинг, биз ҳам сизларнинг ёшингизга етайлик" дейишади. Шуларнинг бориға шукр.

**Хуршида НАЗАРОВА.** СУРАТДА: Норматовлар оиласи жамулжам бўлиши. **Еркебой БОТИРОВ** олган сурат.

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ

Вилоят умумтаълим мактаблари педагог ходимларининг касб маҳоратини янада юксалтириш, янги ўқув йилга пухта тайёргарлик қилиш, таълим тизими раҳбар кадрлари масъулият, таъаббуқдорлигини ошириш каби муҳим вазифаларга бағишланган анъанавий август кенгашлари режа асосида ўтказилди.

Шўба йиғилишларида мактаб раҳбарлари, кулубоначи, мактабдан ташқари ва мактабга таълим муассасалари ходимлари ҳамда туман ва шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари турли фан усулчилари иштирок этишяпти.

Улар республика Президентининг "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, ўқувчилар-

нинг сифати мониторинги, фан олимпиадаси ва билимлар беллашувида ўқувчиларнинг билимларида аниқланган бўлиқларни ўзлаштириш лозим бўлган мавзулар" ҳамда "2013-2014 ўқув йили учун яратилган дарсликлар ва уларга киритилган ўзгартиришлар" каби жамий 14 шўба мавзулари бўйича ахборотга эга бўлишмоқда. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, анъанавий август кенгашларининг бу йилги шўба йиғилишлари 12 августдан буён вилоят миқёсида ўтказиб келинмоқда. Йиғилишларнинг якуновчи вилоят конференциясини Бўстонликдаги 14-болалар мусика ва санъат мактабида ўтказиш кўзда тутилган.

Бухтиёр ШАВКАТОВ.

Огоҳлик

ШУ КУНЛАРГА ЕТГАНИМИЗГА ШУҚР

Гарчи автобус тикилинч бўлсада, одамларнинг гужур-гужурига қарамай, буткул ўйга чўмибман. Ҳаёлимда кеча улгурмай қолган ва бугун қилинмиши керак бўлган ишлар. Хуллас, бугун ҳаммасига улгурши керак. Ҳайдовчи тормосни босиб, автобус навбатдаги беткада силтаниб тўхтаганда, ўзимга келдим. Ушбу бекатда 70-75 ёшлар

Мен кейинги бекатда тўшиб қолдим. Отаҳоннинг ҳозиргина шукроналик билан айтган сўзлари шуларнинг бутунлай эгаллаган эди... Илгари бу ҳақда ҳеч ўйламаган эканман. Ишим кўплигиданми, кундалик ҳаёт ташвишлари биланми, хуллас ўзимдан уялиб кетдим. Ахир, бугунги ўзгаришларни сезмаслик мумкин эмас. Негаки, биз шундай бир замонда, шундай гузал замонда яшашимизки, таърифта тил ожиз. Барча

ҳалқлар миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар осмон мусафий, тинчлиги барқарор юрда аҳил бир оила бўлиб яшашмоқдалар. Бугун юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, бунёдкорликка, озошликка, ажиб бир гузалликка, яратувчанликка, Вангага садоқат, ўзаро меҳр-муҳаббатга ташна кўнглиларга дуч келаверасиз. Бундан ортиқ бахт бормикин дунёда?


Лекин, бу неъматларнинг қадри фақат шукроналик билан тўқис бўлмас. Уни асраб-авайлаш ҳам ҳар биримизнинг бурчимиз, асосий мақсадимиз бўлиши керак. Бу эса, нафақат беғона кўзлар, гаразли нигоҳлардан, балки орамиздаги лойқай, бепарволардан ҳам эҳтиётлаш дегани. Ҳар қандамиди ёт гоълар, диний-экстремистик гуруҳлар кутқусидан химоя қилишимиз зарур. Уларни асраганимиз — Истиклолимизни ардоқлаганимиздир. **Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ.**

Бугуннинг гапи

ТЕРМИТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда атроф-муҳит мусофоллигини таъминлаш, соф ривожланиш механизми жорий этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. **Ўзбекистон Республикаси Вазир-**

лар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майда қабул қилинган "2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар қўлами ва сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда.



Мазкур дастурда юртимизда экологик мувоzanатини янада яхшилаш, мусофол ривожланиш механизми жорий этиш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Усимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти олимлари бу борада кўплаб илмий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Термитларга қарши курашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ишлар бунга мисолдир. — Термитларнинг фанда уч мингга яқин тури мавжуд, — дейди Ўзбекистон Фанлар академиясининг Усимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти олимлари. Уларнинг ҳисобларига кўра, ҳар йили мамлакатимизда тақрибан 10-15 йил умр кўради. Термит бир дақиқада ўттиз, бир кунда қирқ уч мингтага тухум қўяди. Бундай ҳашаротларга қарши курашда ана шундай жиддий жиҳатларни мукаммал ўрганмасдан бирор натижага эришиш мушкул эди.

Термитлар ташқи таъсирларга қарши кураш дунё илм-фани олдида турган энг долзарб муаммолардан бирига айланган. Кўплаб глобал экологик муаммолар каби бу жараён бизнинг мамлакатимизда ҳам четлаб ўтмайпти. Бу ҳашаротлар, айниқса, тарихий обидаларимизга катта зиён етказмоқда. Мутахассисларнинг кузатувларига кўра, Хивадаги қирққа яқин тарихий обидида, юртимизнинг бошқа худудларидаги ўттиз мингга яқин уй-жой термитлар билан зарарланган.

Термитларга қарши кураш ишлари ўтган асрнинг эллигинчи йилларидан бошланган. Бироқ, у даврда кимёвий усуллар қўлланилган атроф-муҳит мусофоллигига жиддий зиён етказди. Қолаверса, у пайтларда термитларнинг экологияси, биологияси деярли ўрганилмаган эди. Термитлар ташқи таъсирларга қарши кураш дунё илм-фани олдида турган энг долзарб муаммолардан бирига айланган. Кўплаб глобал экологик муаммолар каби бу жараён бизнинг мамлакатимизда ҳам четлаб ўтмайпти. Бу ҳашаротлар, айниқса, тарихий обидаларимизга катта зиён етказмоқда. Мутахассисларнинг кузатувларига кўра, Хивадаги қирққа яқин тарихий обидида, юртимизнинг бошқа худудларидаги ўттиз мингга яқин уй-жой термитлар билан зарарланган.

Давра суҳбати

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Вилоят Маданият ва маърифат марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси бўлими билан биргаликда "Экологик назоратнинг асосий вазифалари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.



"Экологик назорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси бўлими билан биргаликда "Экологик назоратнинг асосий вазифалари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Мазкур Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг "Табиати муҳофазаси бўлими"га қўйилган таъминлашга қаратилган бўлиб, экологик масалаларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва кўпайтириш, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ташкилотлар, ўқув муассасалари, экология ва тибиёт йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун экологик назоратни, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофазаси бўлими билан биргаликда "Экологик назоратнинг асосий вазифалари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Баҳс-мунозараларда сўзга чиққанлар қонун лойиҳасига доир аниқ тақлифлар билдирдилар. Тақлиф-мулохазалар қонунни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳ томонидан ўрганилиб, инобатга олиниши таъкидлаб ўтилди.

**Илёс ДОСТОНОВ,** Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят хушудий бўлими катта мутахассиси, Самад Йўлдошев.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорлари бугун мамлакатимизда бўлганидек, бизнинг вилоятимизда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган яна бир муҳим қадам бўлди.

**Сухбатни Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ ёзиб олди.**

Мазкур Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг "Табиати муҳофазаси бўлими"га қўйилган таъминлашга қаратилган бўлиб, экологик масалаларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва кўпайтириш, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ташкилотлар, ўқув муассасалари, экология ва тибиёт йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун экологик назоратни, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофазаси бўлими билан биргаликда "Экологик назоратнинг асосий вазифалари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Баҳс-мунозараларда сўзга чиққанлар қонун лойиҳасига доир аниқ тақлифлар билдирдилар. Тақлиф-мулохазалар қонунни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳ томонидан ўрганилиб, инобатга олиниши таъкидлаб ўтилди.

**Илёс ДОСТОНОВ,** Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят хушудий бўлими катта мутахассиси, Самад Йўлдошев.

Жамоатчилик фикри



Президентимиз томонидан Обод турмуш йили деб эълон қилинган жорий йил Давлат дастурининг амалга оширилиши ўзбекистонликлар турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришда яна бир муҳим босқич бўлди. Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари ҳам бундан яққол далолат беради. Сўров истиқлол йилларида аксарият аҳолининг (92 фоиздан зиёд) моддий аҳоли, яшаш ва маънавий шароити яхшиланиши, фаровонлиги кескин ошганини кўрсатди. Сўровда қатнашганларнинг қарийб 90 фоизи ўзи ва оиласининг ижтимоий мақоми ошганини билдирган, 80 фоиздан ортиғи ўз бизнесини ташкил қилган, фермер бўлган, 70 фоизга яқини зарур билмиларга эга бўлган ёки билим даражасини оширган. Иштирокчиларнинг фикрича, айнан мустақиллик уларга бундай ютуқларга эришиш имконини берган. Сўров иштирокчиларининг 86 фоиздан зиёди мамлакатимизда Кадрлар тайёриш миллий дастурининг амалга оширилиши

натижасида таълим нуфузи жиддий равишда ошганини қайд этди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилган туб ижобий ўзгаришлар қаторида одамлар онгу тафаккурида ҳам жиддий ўсиш рўй берган. Сўралганларнинг қарийб 94 фоизи истиқлол йилларида



# ЎЗБЕКИСТОННИНГ 22 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



фуқароларнинг қонунлар, инсон ҳуқуқи ва эркинлигини ҳурмат қилиш даражаси ошгани, маънавий-ахлоқий қадриятлар мустақамланиб, Ватан тақдирини ўзининг жавобгарлиги ҳисси ўсганини таъкидлади. Фуқароларимизнинг фикрига кўра, Ўзбекистон мустақиллик йилларида юзга келаятган барча қийинчиликларни ишонч билан ен-

гим ўтиб, ижтимоий-сиёсий модернизация ва иқтисодий тараққиёт йўлидан дадил бормоқда. Бундан дунёнинг аксарият давлатлари тараққиётга салбий таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида миллий иқтисодиётимиз изчиллик билан мустақамланиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳаётимизнинг барча жабҳа-

тимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ижобий туб ўзгаришларни давом эттириш ва чуқурлаштириш жараёнини халқимизни қўллаб-қувватлаётганини кўрсатди. Фуқароларимиз мамлакатимизда қарор топган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, давлат, жамият ва шахс манфаатлари мувозанати таъминлангани кўп жиҳатдан мустақилликнинг 22 йиллиги давомида Ўзбекистонни изчил ривожлантириш, унинг халқаро майдонда юксак обрў-эътибор қозонишига хизмат қилаётганига ишонади.

Ўзбекистон аҳолиси (99,1 фоиз) Президент Исрол Каримовни мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, Ватанимиз олдида турган барча муаммоларни муваффиқиятли ҳал этиш ва мустақиллигимизни янада мустақамлаштириш асосий қарорлари деб ҳисоблайди.

"Ижтимоий фикр" маркази материаллари асосида ЎЗА мухбири А. ИВАНОВА тайёрлади.

## Савол беринг, жавоб оласиз

# СОЧ БЎЁҒИ ВА САРАТОН



Мен сочимни бўши учун турли бўёқлардан фойдаланман. Яқинда бундай бўёқлар саратон касалига сабаб бўлиши ҳақида эшитиб қолдим. Шу гап асосида, Нигина Ҳасроева, Чирчиқ шахри.

– Шу кунгача соч бўёғи ва ўсма касалликлари ўртасидаги боғлиқлик турли бахс ва мунозараларга сабаб бўлаётган эди. Соч бўёқларининг кимёвий таркиби инсон саломатли-

гим, ҳатто, ҳаёти учун хавфли эканлиги яқинда маълум бўлди. Заҳарли моддалар тери ва қон таркибига сингиб, саратон хужайраларини ҳосил қилиши мумкин.

Олимларнинг таъкидлашича, соч бўёғи ўсма касаллигини келтириб чиқаради. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган соч бўёқлари таркибидagi кимёвий моддалар аллергия реакция ва неврологик муаммоларга олиб келиши исботланган. Фенилдиамин, тошқумир муми, резорцин бош терисини куйдириб, кучли оғриқлар келтириб чиқарувчи кан-

цероген хусусиятга эга. Европа мамлакатларида ишлатилиши тақиқланган кўрғошин ацетати ва аммиак ҳаммасидан кўра хавфли. Улар, ҳатто, нафас олиш йўлига ҳам зарар етказиши мумкин. Хўраса қилиб айтганда, соч бўёқлари ўсма касалликларини келтириб чиқариш хавфи катта. Абдуваз ҒАНИЕВ, вилоят ўсма касалликлари шифохонаси бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди.

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«КОР ТАРМОҚЛИ ҚО'СНАС МУЛК САВДО» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориши тартибида ўтказилган аукцион қўллаб-қувватлашга тақдир қилинган куйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:** Тошкент вилояти Хўжалик Судининг 02.07.2012й.даги 11-1235/5792-сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич нархи – 100 400 000 сўм бўлган Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Бешёғоқ даҳаси, 8Г-уйда жойлашган умумий майдони 151,0 кв.м. иборат 9 қаватли бинонинг 1 қавати. Аукцион савдолари 2013 йилнинг 27 сентябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «КОР ТАРМОҚЛИ ҚО'СНАС МУЛК САВДО» МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосиди савдоси ўтказилишига бир иш кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039.

## Ҳурматли тадбиркорлар!

"Назорат қилувчи ораганлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг қарори асосида вилоятда кичик ва хусусий бизнэс ривожлантириш, тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, уларга қўлайлик, шарт-шароитлар яратиш мақсадида Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қури-

лиш назорати инспекциясида ҳар ойнинг биринчи сешанба куни "Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш" ва "Очиқ эшиклар куни" эълон қилинади. Стандартлаштириш ва сертифицилаш масалари, синов лабораторияси объектларни техник кўрик-

дан ўтказиш ҳамда қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва тегишли рухсатномалар олиш, шунингдек, бошқа масалалар бўйича ҳар ойнинг биринчи сешанба куни соат 9.00 дан 17.00 гача 241-40-25 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тошкент вилояти бўйича ДАҚН инспекцияси манзили: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7-уй.**

ООО "MUZIMPEX-MEAT PRODUCTS" (ИНН 302011499), зарегистрированное в хокимияте Зангиатинского района Ташкентской области за реестр. № 3646 от 2 июня 2011 года сообщая о своей реорганизации путем присоединения в СП ООО "MUZIMPEX". СП ООО "MUZIMPEX" является правопреемником по всем правам и обязательствам ООО "MUZIMPEX-MEAT PRODUCTS". Претензии принимаются по тел.: (+99871) 150-88-52.

**ЧП ООО "MERLONY technology" приобретает переработанные отходы из ПВХ. Обращаться по телефону: (+99871) 221-41-26.**

### 2013 йилда КИШИЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БЮЎРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Кишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй соғиб олиш имконияти;
- Қўлай жойлашув: дўхон, мактабларга яқин жойда;
- Замонавий дизайнли уйлар;
- Ҳар бир уй-жой 6 тоғич ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равои йўлларга эга;

Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.

Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қолган маблағингиз оилавий режаслар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланган;
- Янги уйлар янада жишроқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратди.

### Замонавий қурилиш моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;
- Бир йиллик сифат кафолати;
- Узғурчи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.

Маълумот учун тел.: (+99890) 997-46-55.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган "FAR MAKS AGRO IMPEKS" (ИНН 301949050) МЧЖ Миробод тумани ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган "IKON TRAVEL GROUP" (ИНН 302607475) МЧЖ таркибига тўлиқ бириктирилиши ҳамда "IKON TRAVEL GROUP" МЧЖ "FAR MAKS AGRO IMPEKS" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг тўлиқ ҳуқуқий ворисига айланиши маълум қилади. Маълумот учун тел.: (+99894) 936-09-81.

Юнусобод туманидаги "HUNAR UNAR" (ИНН 201523538) МЧЖга тегишли бўлган дубликат думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туманидаги "HUNARMAND TA'LIM USTASI" (ИНН 207137744) нодавлат таълим муассасасига тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Маълумот учун тел.: (+99894) 936-09-81.

Юнусобод туманидаги "HUNAR UNAR" (ИНН 201523538) МЧЖга тегишли бўлган дубликат думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туманидаги "HUNARMAND TA'LIM USTASI" (ИНН 207137744) нодавлат таълим муассасасига тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Маълумот учун тел.: (+99894) 936-09-81.

Зангиота тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган "TJKRISTONDAN QAMAR MEBELLARI" (ИНН 301465124) МЧЖнинг устас жамғармаси 200 000 000 (икки юз миллион) сўмдан, 3 700 000 (уч миллион етти юз минг) сўмга қамайишини маълум қилади. Маълумот учун тел.: (+99890) 997-46-55.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган "FAR MAKS AGRO IMPEKS" (ИНН 301949050) МЧЖ Миробод тумани ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган "IKON TRAVEL GROUP" (ИНН 302607475) МЧЖ таркибига тўлиқ бириктирилиши ҳамда "IKON TRAVEL GROUP" МЧЖ "FAR MAKS AGRO IMPEKS" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг тўлиқ ҳуқуқий ворисига айланиши маълум қилади. Маълумот учун тел.: (+99894) 936-09-81.

Юнусобод туманидаги "HUNAR UNAR" (ИНН 201523538) МЧЖга тегишли бўлган дубликат думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туманидаги "HUNARMAND TA'LIM USTASI" (ИНН 207137744) нодавлат таълим муассасасига тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Маълумот учун тел.: (+99894) 936-09-81.

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҲИ томонидан 2012 йил 18 апрелда № 52/1712 реестр рақами билан рўйхатга олинган "FERUZBEK YULDUZ AZIZBEK" (ИНН 302277420, ОКПО 24009454) хусусий корхонаси ижтимоий ТҲҒАТИЛАДИ (асос: 2013 йил 20 августдаги 1-сонли қарор). Даволаб эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Оққўрғон тумани, Олимпект кўрғони, Истиклол кўчаси, 27-уй манзили ва (+99895) 512-91-93 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент политехника институти томонидан 1990 йилда Мухтаров Нуриддин Муратович номига берилган ФВ № 922623 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти педагогика билим юрти томонидан 1990 йил 30 июнда Умарходжаева Ҳадича Кабилевна номига берилган ИТ № 947816 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган яқка тартибдаги тадбиркор "ИШАНХОДЖАЕВ ХАЙ-РУЛЛА РАХИМОВИЧ"га тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеряный аттестат О'Р-В № 083284 (реестр № 49), выданный в 2003 году средней школой № 11 г. Алматы Ташкентской области на имя Анчиковой Елены Геннадьевны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Юнусобод тумани ТСРҲИ томонидан 2002 йил 14 ноябрда рўйхатга олинган "ALINFARM" (ИНН 204246405) хусусий фирмаси "ALINFARM" маъсулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

"DIAMANTE GROUP" МЧЖнинг устас жамғармаси 2 635 000 000 сўмдан 2 610 500 000 сўмга қамайишини маълум қилади.

№	Объект номи	Объект манзили	Балансда сақловчининг номи, манзили	Объект тавсифи	Сотиш тақлиф қилинган нархи, сўм	Энг кам инвестиция миқдори	Хусусийлаштирилган бўлган ҳудуд қарори
---	-------------	----------------	-------------------------------------	----------------	----------------------------------	----------------------------	----------------------------------------

